

## COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ОНАЛАРДАН ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА ИНТЕФЕРОН ҲОЛАТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бухоро Давлат тиббиёт институти  
Кароматова Фазолат Абдикаххоровна

**Долзарблиги:** COVID-19 тасдиқланган янги коронавирус инфекцияси билан касалланган оналардан туғилган чақалоқлар иммунитетини ўрганиш ҳозирда кам ўрганилган масала ҳисобланади. COVID-19 коронавирус инфекцияли оналардан туғилган янги туғилган чақалоқларнинг иммунитетини ўрганиш COVID-19 давом этаётган пандемия туфайли катта қизиқиш уйғотмоқда[1]. Чет эл адабиётларида, муаллифлар томонидан янги туғилган чақалоқларнинг COVID-19 янги коронавирус инфекциясига қарши иммунитетини масаласига бағишланган бир неча ишлар мавжуд бўлиб бу муаммони янада чуқур ўрганиш ва таҳлил қилишни талаб қилади[2].

**Тадқиқот мақсади:** COVID-19 коронавирус инфекцияси билан касалланган оналардан туғилган чақалоқларнинг интерферон ҳолатини ўрганиш.

**Материаллар ва усуллар:** COVID-19 билан касалланган оналардан туғилган чақалоқларнинг интерферон хусусиятларини ўрганиш учун Бухоро вилоятидаги Когон "COVID госпитали" базасида 60 та янги туғилган чақалоқлар текширилди. Назорат гуруҳини 30 нафар соғлом оналардан туғилган чақалоқлар ташкил қилди. Барча ҳомиладор аёлларда SARS-CoV-2 учун ПЦР тести ижобий бўлган. Текшириш 2021 йилнинг июл-ноябр ойларида ўтказилди. Барча чақалоқлар ҳомиладорликнинг 38-42 ҳафталигида тўлиқ муддатда туғилган. Киндикдан олинган қонда ИНФ  $\alpha$ , ИНФ  $\gamma$  ва ИНФ  $\alpha$  антителоси миқдори аниқланди.

**Тадқиқот натижалари:**

Тадқиқот учун танланган янги туғилган чақалоқларнинг интерферон ҳолатини ўрганиш натижалари кузатув гуруҳидаги чақалоқларда ИНФ- $\alpha$  даражасининг соғлом гуруҳ курсаткичларига нисбатан 4 баравар статистик жиҳатдан сезиларли даражада пасайганлигини кўрсатди - 33,32. 0,91 ПКГ/мл ( $p < 0,05$ )

ИФН $\alpha$  антителолари даражасини таҳлил қилиш, беморларда кўрсаткичларни 156,54 $\pm$  15,8 ПКГ/мл гача ишончли ўсишини кўрсатди ва бу назорат гуруҳидаги болаларда 92,43 $\pm$  7,58 ПКГ/мл ( $p < 0,05$ ) ни ташкил этди.

Таҳлил натижалари ҳомиладорлик пайтида коронавирус инфекциясига дучор бўлган оналардан туғилган чақалоқларда ИФН $\alpha$  антителолари синтезининг фаоллашувини кўрсатади.

Шу билан бирга, кузатув гуруҳдаги чақалоқларда ИФН $\gamma$  даражасининг соғлом гуруҳ кўрсаткичларига  $23,8 \pm 0,6$  ПКГ/мл нисбатан 2,9 баравар ошиши ( $p < 0,05$ ) кузатилди.

COVID-19 билан касалланган оналардан муддатида туғилган чақалоқларда ИФН $\gamma$  синтези 2,9 баравар, ИФН- $\alpha$  га қарши антителолар синтези 1,7 баравар фаоллашиши фонида ИФН- $\alpha$  синтезининг 4 баравар камайиши кузатилди.

Бинобарин, ҳаётнинг илк кунларида янги туғилган чақалоқларнинг интерферон ҳолатини ўрганиш натижасида олинган маълумотлар интерферонлар синтезидаги номуносивбликни кўрсатади.

**Хулоса:** Шундай қилиб, бизнинг илмий тадқиқотларимиз натижасида COVID-19 инфекцияси билан касалланган оналардан туғилган чақалоқларда интерферон синтези тизимидаги номуносивблик пайдо бўлиши аниқланди.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Capobianco G., Saderi L., Aliberti S., Mondoni M., Piana A., Dessole F., et al. COVID-19 in pregnant women: A systematic review and meta-analysis [published online ahead of print, 2020 Jul 16]. Eur J Obstet Gynecol Reprod Biol. 2020; S0301-2115(20)30446-2. doi:10.1016/j.ejogrb.2020.07.006
2. Coronavirus (COVID-19) Infection in Pregnancy. Version 12: RCOG, 14.10.2020. 77 p.